



## ФЎРУҒ ФАРРУХЗОД МАКТУБЛАРИ: ИНЖА КЕЧИНМАЛАР ҚАТИДАГИ ТАФАККУР

**Башорат Юнусова**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек  
тили ва адабиёти университети магистранти

e-mail: bashoratyunusova@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8026139>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 05-June 2023 yil

Ma'qullandi: 08-June 2023 yil

Nashr qilindi: 12-June 2023 yil

### KEY WORDS

шеър, мактуб, шеъри нав  
(янги шеър) оқими, қолиплар,  
руҳ озодлиги.

### ABSTRACT

Мақолада замонавий форсий адабиётнинг ёрқин вакиласи Фўруғ Фаррухзод мактубларининг аҳамияти ҳақида сўз боради. Ўз шеърлари билан нафақат Эрон, балки жаҳон адабиётида юксак ўрин тутган шоира ижодида унинг отаси, укаси Фаридун Фаррухзод, турмуш ўртоғи Парвиз Шопур, ўз даврининг етук санъаткори ва шоири Иброҳим Гулистон, шунингдек, Эрон “янги шеър” оқимининг етук шоирлари Суҳроб Сипеҳри ва Аҳмадризо Аҳмадийга ёзган мактублар ҳам кўзга ташланади. Мазкур мақолада бу мактубларнинг мавзу кўлами тадқиқ этилган.

Дунё адабиётида мактуб жанрида битилган бир қанча асарлар мавжуд. И.В.Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, С.Цвейгнинг “Бир аёл мактуби” қиссаси, Ф.Кафканинг “Отамга хат” эссеси маълум бадий мақсад, бадий шакл имкониятларига кўра айнан мактуб асосига қурилган. Гап шундаки, ижодкор эпик тур жанрларида мактуб жанридан фойдаланар экан, бунда “хат жанри орқали мурожаат қилишда муаллифнинг руҳий кечинмаларини чин қалбдан зўр куч билан изҳор қилиш имконияти туғилади”<sup>1</sup>.

Яна шундай ижодкорлар ҳам борки, улар фаолиятида мактубларнинг ўз аҳамияти бор. Бу номлар бирор инсон манзилига йўналтирилгани билан бир қаторда ижодкорнинг давр масалалари, шеър ва санъат борасидаги, шунингдек, руҳий ҳолатини ҳам ифода этади.

**Асосий қисм.** Дунёи дун ичра Сўз билан Одам, Одам билан Кўнгил яралди.

Алишер Навоий наздида, Кўнгил Аллоҳнинг сирларидан бир сирр бўлиб, унга эришмоқ ҳаммага насиб этмайди. Кўнгилнинг таърифи – Кўнгилни таништирмоқдир. Бу йўлда ким ҳақ, ким ноҳақ – ҳар ким ўз кўнгилни танимоқ, ўзгаларга таништирмоқ илинжида умрини яшайди. Жумладан, Аёл ҳам.

<sup>1</sup> Кўчқорова М., “Мактублар – қалб кўзгуси”. “Жаҳон адабиёти” журнали. – 2009. – № 11.

Фўруғ Фаррухзод Эронда XX асрнинг энг таҳликали йиллари ҳукмрон даврда яшади. Қиш фаслида туғилди, умри совуқ мавсумда тугади. Таваллуди ва ўлими орасидаги 32 йиллик умри ҳам қиш кунлари каби қисқа ва рутубатли, ялдо тунларидек узун ва маҳзун кечди. Ана шу лаҳзалар ичида у ўзини яшади: шеърлар ёзди, ўзининг севимли машғулоти санъат билан шуғулланди, таржималар қилди. Унинг илк тўплами 1952 йили “Асир” номи билан чоп этилди. Мазкур тўпланиннг давоми сифатида 1957 йили “Девор” босилди. Унинг ҳам ҳаётида, ҳам ижодида туб бурилиши ясаган китоби “Қайта туғилиш” дир. Фўруғ бу китоби билан чин маънода қайта туғилди.

Ф.Фаррухзоднинг шеърлари қатори мактублари ҳам муҳим аҳамиятга эгаки, номаларда шоира шахсияти, ички кечинмалари бор бўй-басти билан намоён бўлади. Мактублар билан танишар экансиз, бу туйғулар, бу тафаккур ўйини шеърга сиғмасди эҳтимол, деган хулосага келасиз.

Фўруғ Фаррухзод ижодида унинг отаси, укаси Фаридун, турмуш ўртоғи Парвиз Шопур, ўз даврининг етук санъаткори ва шоири Иброҳим Гулистон, шунингдек, Эрон “янги шеър” оқимининг етук шоирлари Сухроб Сипехри ва Аҳмадризо Аҳмадийга ёзган мактублар кўзга ташланади. Улар ҳол-аҳвол сўраш ёки арзи ҳол номалари эмас, балки шоираниннг қарашлари, адабиёт ва санъат, кези келса, сиёсат борасидаги ўз хулосалари ҳам эди.

*“Шеър мен учун бир деразадир. Қачонки у томонга борсам, ўздан-ўзи очилади. Мен у ерда ўлтираман, қарайман, кўйлайман, шовқин кўтараман, йиғлайман, дарахтлар тасвири билан қўшилиб кетаман ва биламанки деразаниннг нариги томонида бир фазо бор, бир одам бор – бу одам 200 йилдан кейинми ё 300 йил олдинми туғилган, бунинг фарқи йўқ. Шеър “борлиқ” ва “вужуд” билан боғланиш воситасидир. Яхшилиги шундаки одам шеър ёзганда, мен ҳам борман, ё мен ҳам бор эдим, дея олади. Бундай бўлмаганда, қандай қилиб мен борман, ё мен бор эдим, дейиш мумкин? Мен ўз шеъримда бир нарсани излайман, аксинча, ўз шеъримда ўзимни топаман”<sup>2</sup>*

*(Фўруғ Фаррухзоднинг укаси Фаридунга мактубларидан)*

У бир аёл ўлароқ жамият муаммоларига жим қараб турмади. Аёллар ҳуқуқининг поймол қилиниши, уларга қўйилган чегара ва таъқиқлар, тўрт девор орасида саробга айланаётган орзуларнинг жон беришини кузатиш Фўруғ учун ўлим билан баробар эди. У исён қилди, сув сепдилар, тафти босилмади. Яна ғалаён кўтарди, озғини ёпдилар, қўлига кишан урдилар. Бироқ у яна-да аланга олди. Исён шеърлари ва мактубларига кўчди.

Фўруғ отасига ёзган бир мактубида жамият билан келишолмаслигини, ундаги “қоидалар” билан мураса қилолмаслигини, буни эса ҳатто отаси ҳам тўғри тушунмаслигидан азият чекади: *“Тилимдагиларни айтсам китоб бўлади. Бу сўзлар сизни ҳафа қилиб қўйишидан, сизга хуш келмаслигидан қўрқаман. Бу гаплар ичимда қолса, хурсанд бўлмайман, ўзимни ноқулай ҳис қаман. Ва сиз билан юзма-юз келганимда, тунд ва камгап, ич-этини изтироб кемирган кимдир эмас, ўзим бўлиб кўринишни устайман.*

*Мениннг энг катта дардим - сизнинг мени танимаслигингиздир. Сиз... ҳеч қачон мени билишни устамадимгиз. Эҳтимол ҳозир ҳам мени ишқий романлар мутолаасига муккасидан кетган, Техрон “Мусаввир” журналида чоп этиладиган ҳикоялар таъсирида*

<sup>2</sup> <http://digitalpersian.humanities.ucla.edu/page.php?id=1041>

мияси “айниган” аёл деб ўйлайсиз. Кошки, шундай бўлса... бахтли бўлолсам. У ҳолда дунё кичик бир хонадан иборат бўларди: рақс кечаларига бориш, чиройли ва тор кўйлақлар кийиш, қўшни хотинлар билан гап “чайнаш”, қайнона билан мурасасиз кун ўтказиш каби жирканч ва майда-чуйда ишлар билан машғул бўлардим ва шундай муҳташам олам борлигидан беҳабар қолаверардим. Ипак қурти каби ўз пиллам қобиғи ичида, зулматда улғаяр ва шу қоронғу дунёни яшаб ўтардим.

Мен уйда фалсафага оид китоблар ўқиганимда, Адабиёт факультетининг фалсафа ўқитувчиси билан соатлаб Шарқ фалсафаси ҳақида баҳслашганимда сиз мени ақлини йўқотган қиз деб ўйлагансиз, “сафсата” тўла журналлар мени йўлдан оздиришидан чўчигансиз. Ўша пайтлар жуда эзилардим, ўз уйимда бу қадар бегона эканлигимдан кўзларим ёшга тўлар, овоз чиқармасликка, ҳеч ким билан муомала қилмасликка ҳаракат қилардим. Бу каби ҳолатларнинг ҳар бирининг ўзиёқ оёғимдан чалиб йиқитишга етарди”<sup>3</sup>.

Мактубдан кўринадики, у ҳали ўсмирлик чоғиданоқ адабиёт ва фалсафа билан бақамти яшаган. Оиладаги чекловларга қарамай “таъқиқланган” китоблар ва суҳбатдошлар билан муносабатидан собит бўлган. Унинг, айниқса, укаси - ўз даврининг кўзга кўринган санъаткори Фаридун Фаррухзодга ёзган хатлари (бу мактубларнинг аксари Фаридун Германияда ўқиётган маҳали битилган. Изоҳ муаллифники)да Шеър ва Сўз ҳақида қимматли фикрлар мавжуд:

“Сенга форс тилида шеър ёзишни маслаҳат бераман. Вазн ва қофияга бўйсунуш шарт эмас. Сўзларнинг оҳанги устида ишла. Шундай яхлит ёзгинки, уни тинглаш мумкин бўлсин, яъни қулоққа бир вазнда кирсин. Нима бўлганда ҳам сен шоирсан, муҳими шу ва агар ўз устингда астойдил ишласанг, улоқни олиб кетасан”.

Ёки:

“Менинг аҳволим ёмон эмас. Юрагим сиқилляпти. Ҳаётим доимгидек изтироблар билан тўлиб-тошган. Ҳеч бири рисоладагидек эмас. На кўнглим тўляпти, на вужудим – ишончим сўнган.

Ҳар ҳолда бирор жойга отланган одам жуда кўп чегаралар билан мураса қилмоғи лозим. Замонамиз шоирларининг пешқадами Нимо айтганидек:

“То қалбини ёққунларича  
Нурсиз боқар атрофга одам...”

ёки

“Камайтирмоқ лозим баъзида  
кўпайтириш учун ҳамма нарсани...”

Содда қилиб айтсам, агар шоир бўлишни истасанг, ўзингни шеърга бағишла. Баёнчилик ва кераксиз сўзлардан қоч.

Атрофингни бир девор билан ўра. Унинг ичида янгидан туғил, улғай ва фикрларнинг турли-туман товланишларини кашф эт.

Мен бу оғир ҳаётни яшашдан завқланаман.

Гоҳо бундай ҳаётни тарк этиш бир лаҳзалик иш эканлигини биламан, чунки мен табиатан бирор нарсага қаттиқ боғланиб қоладиган одамлар тоифасидан эмасман: илдиз отмайман”<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> [https://diddgah.blogspot.com/2011/01/blog-post\\_2015.html](https://diddgah.blogspot.com/2011/01/blog-post_2015.html)

<sup>4</sup> <https://mahinak.blogspot.com/1384/12/07/post-9/>

Фўруғ айни ўқиб-унадиган, ёшликнинг энг гўзал лаҳзаларини яшайдиган паллада турмушга узатилди. 16 ёшида ўзидан салкам 10 ёш катта шоир ва рассом Парвиз Шопур билан умрини боғлади. Парвиз Шопур гарчи адабиёт одами бўлса-да, Фўруғнинг руҳи озод бўлишига имкон бермади. Бўлар-бўлмас жанжаллар, беҳуда рашк, таъқиқлар Фўруғни ҳолдан тойдирарди. У изтиробларини, фикрларини мактубларига жо айлади.

*“Шеър – менинг меҳробимдир. Ота, шеърни қанчалар яхши кўришимни тушуняпсизми? Кечаю кундузларим янги ва чиройли — ҳали ҳеч ким қоғозга тушира олмаган шеър ёзиш ҳақидаги хаёллар билан ўтади. Кўнглимга қулоқ солмаган ва шеър ҳақида ўйламаган куним бекор ўтган кунларим сирасига киради. Ташқаридан қараганда шеър мени бахтли қилолмасдек туюлар, аммо бахт мен учун бутунлай бошқа нарсадир. Бахт мен учун... чиройли кўйлак, ўйнаб-кулиб яшамоқ ёки мазали таом эмас. Руҳимнинг бахтиёрлиги менинг бахтимдир. Руҳимни эса фақат шеър бахтли қила олади”<sup>5</sup>.*

*(Отасига мактубларидан)*

**Хулоса.** Фўруғ Фаррухзод қисқа умри давомида ўз қалби билан яшади. Унга қарши бормали, бостириб киришларига, туйғуларини топташларига изн бермади. Гарчи ҳаёти талотўпларга, саргардонлигу хиёнатларга тўла бу Аёлнинг руҳини Сўз, Шеър тўлдирди. Бу эса наинки Эрон, балки жаҳон адабиёти қатламларида Фўруғ Фаррухзод исми ҳам жой олишига йўл очди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қўчқорова М., “Мактублар – қалб кўзгуси”. “Жаҳон адабиёти” журнали. – 2009. – № 11.
2. <http://digitalpersian.humanities.ucla.edu/page.php?id=1041>
3. [https://diddgah.blogspot.com/2011/01/blog-post\\_2015.html](https://diddgah.blogspot.com/2011/01/blog-post_2015.html)
4. <https://mahinak.blogspot.com/1384/12/07/post-9/>
5. <http://sabeq1354.blogfa.com/post/53>

<sup>5</sup> <http://sabeq1354.blogfa.com/post/53>